



« 17 » декабр 2016 й.

Наманган шаҳри 454 -сонли

Наманган вилояти ҳокимининг 2016 йил 9 апрелдаги 146-сонли қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни ҳамда вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 20 апрелдаги 03-198/8-сонли тақдимномасини инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Наманган вилояти адлия бошқармасининг 2016 йил 20 апрелдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишнинг белгиланган тартибига зид равишда қабул қилинган ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида”ги 03-198/8-сонли тақдимномаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг 2016 йил 9 апрелдаги “2016 йилда Наманган вилоятида маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг вилоят, шаҳар, туман ташкилотлари раҳбар ва ходимларини иш фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда малака ва кўникмаларини ошириш ҳамда аттестациядан ўтказиш тўғрисида”ги 146-сонли қарори, унда белгиланган кўрсатмалар бажариб бўлинганлиги сабабли ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорни ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Маматов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Х. Бозаров